



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA’LIMI VAZIRLIGI



SURXONDARYO VILOYATI XALQ TA’LIMI
XODIMLARINI QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING
MALAKASINI OSHIRISH HUDUDIY MARKAZI

ZAMONAVIY JAMIYATDA FAN VA
TA’LIMNING RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI: MUAMMO VA
YECHIMLAR

XALQARO ONLAYN ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA
MATERIALLARI

TERMIZ-2021

ТАЛАБАЛАР КОМПЕТЕНЛИГИНИ ОШИРИШДА КРЕАТИВЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Останов Шухрат Шарифович,
Бухоро давлат университети
“Психология” кафедраси ўқитувчиси*

***Аннотация:** Ушбу мақолада талабалар креативлигини методологик асоси ҳақида сўз боради.*

***Калим сўзлар:** талаба, креативлик, ижтимоий муносабатлар, ижодий жараён, ижодий фаоллик, амалиётчи психолог.*

***Аннотация:** В статье рассматриваются методологические основы студенческой креативности.*

***Ключевые слова:** студент, творчество, социальные отношения, творческий процесс, творческая деятельность, практикующий психолог.*

***Abstract:** In this article we will talk about the methodological basis of creativity of students.*

***Key words:** student, creativity, social relations, creative process, creative activity, practicing psychologist.*

Бутун дунёда таълим тизимининг асосий мақсади талабаларга янги муҳит талаблари асосида билим бериш, ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш, талаба-ёшларнинг, янги ғоялар ҳосил қила оладиган, янги маҳсулотлар ярата оладиган ва ҳар қандай вазият, жараён ёки фаолиятнинг ностандарт ечимини топа оладиган ижодкорлик хусусиятини шакллантиришдан иборат.

Жаҳонда давлат тараққиёти ва жамият равнақи кўп жиҳатдан унинг интеллектуал потенциали билан белгиланади. Чунки, илмий потенциали юқори даражада ривожланган мамлакат барча соҳаларда доимо илғор бўлади. Давлатларнинг тарихий ривожланишида ёшларга бўлган эътибор муҳим ўрин эгаллайди. Ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга имкониятлар яратиш, уларнинг манфаатларини ифода этувчи ҳуқуқий база яратилиши давлатнинг келажақда тараққиёт даражасини белгилаб беради¹⁴⁷.

Мамалакатимизда таълим тизимида рўй бераётган жадал ўзгаришлар сабабли янги коидаларни, янгича тизимни пайдо бўлиши замонавий дунёда ижодкор шахсининг ривожланишига улкан талаблар қўяди. Ижодкор шахс ўз тараққиётининг барча босқичларида жамият томонидан тан олинади ва ўзининг маълум ижтимоий статусига эга бўлади. Психологик тадқиқотларда ижодкорликни ривожлантириш билан боғлиқ соҳалар - талаба шахсининг ижодий муаммоларни ҳал етиш муваффақиятини белгиловчи хусусиятлари алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда шахслараро муносабатларнинг тобора замонавий тус олиши, яъни талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви, олий

¹⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.

таълим муассасалар ҳамкорлиги, халқаро конференциялар, туризм соҳасининг ривожланиши бўлажак мутахассисдан креативлик хусусиятларини талаб қилмоқда.

Маҳаллий ва хорижий тадқиқотларда креативлик муаммоси турли хилдаги концепциялар доирасида кўриб чиқилган. Бир томондан, уларнинг қарама-қаршилигини, иккинчи томондан, ўрганилаётган психологик ҳодисанинг ички механизмларини, фаолият кўрсатиши ва ривожланиш қонуниятларини очиб беришнинг аҳамияти ва зарурлигини тан олишнинг умумий тенденциясини кўрсатиш мумкин. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий психология фанида бугунги кунда "креативлик" атамасининг ягона талқини мавжуд эмас. Тадқиқотларда креативлик билан боғлиқ жуда кўп тушунчаларни топиш мумкин. Ижодкорлик, ижодийлик, ижодий, эвристик, сермахсул, дивергентли, латерал фикрлаш, ижодий қобилиятлар, ижодий фаолият, ижодий мотивация, ўз-ўзини актуаллаштириш, ўз-ўзини рўёбга чиқариш каби тушунчалар креативлик муаммоси билан боғлиқ концептуал рўйхатнинг бир қисми ҳисобланиб, мазкур тушунчанинг ноаниқлиги ва хилма-хиллигини янада кучайтиради. Ушбу тушунчалар қаторида "ижодийлик" тизимни шакллантирувчи таъриф сифатида талқин қилинса, "креативлик" ва ижод ўртасидаги муштаракликни аниқлаш учун энг машхур тадқиқотларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Чет эл муаллифлари томонидан креативликни англаш ва тадқиқ қилиш борасида билдирилган кўплаб фикрлар бу ҳодисанинг имконияти ва аҳамияти ҳақида далолат беради.

Креативликни ўрганишда бир неча йўналишларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Биринчи йўналиш креативликни ўзининг маҳсулотлари бўйича ўрганади, яъни бунда ижодий маҳсулотнинг асосий хусусиятлари кўриб чиқилади: миқдори, сифати ва аҳамияти. М. Ферсон, К. Тейлор, Д. Тейлор ва бошқалар ушбу ёндашув тарафдорлари ҳисобланади.

Иккинчи йўналиш – креативликни ижодий жараён сифатида ўрганади. Ҳар қандай жараён, шу жумладан ижодий жараён ҳам бошланиши, узоқ вақтга чўзилиши, ўзгариши ва шунга мос равишда қандайдир якунига эга бўлиши керак. Бундай ҳолда биз объектив ёки идеал (фикр)дан иборат ижодий маҳсулот ҳақида гапира олмайсиз. Шунинг учун ушбу йўналиш ижодий фикрлаш жараёнининг турли босқичларини, даражаларини ва турларини аниқлайди ва кўриб чиқади.

Ижодий жараён сатҳларини ўрганиш психоаналитик йўналиш билан чамбарчас боғлиқ. З. Фрейд ижодий ҳаракатни либидоз энергиянинг сублимацияси натижасида тасвирлаган. Демак, шахснинг ижодий салоҳиятини ўрганиш учун проекцион методлардан фойдаланишнинг асослилиги белгиланган.

Учинчи йўналиш креативликни олдиндан берилган қобилият сифатида кўриб чиқади. Бу соҳада биринчилардан бўлиб К. Симпсоннинг ишини кўрсатиш мумкин, у креативликни стереотипик фикрлаш усулларида воз

кечиш қобилияти сифатида баҳолаган. Э.Фром креативликни (ижодни) хайратга тушиш ва ўрганиш, ностандарт вазиятларда ечим топиш, янги нарсаларни кашф этиш ва ўз тажрибасини чуқур англаш қобилияти сифатида кўриб чиққан.

Тадқиқотимиз доирасида ушбу соҳадаги етакчи тадқиқотчиларнинг ишларини кўриб чиқиш муҳимдир. Чет эл психологиясида Ж.Гилфорд ва Э.Торренс тадқиқотлари алоҳида ажралиб туради. Ж.Гилфорд креативликни олдиндан берилган қобилият деб билган ва унинг тажрибалари асосан креативлик диагностикаси ва шахсиятнинг баъзи билиш омиллари билан алоқалари даражасини ўрганишга қаратилган. Торренс тадқиқотлари креативликни динамикада ўрганишга бағишланган. У креативликни ривожлантиришга қаратилган мақсадли таъсир этиш эҳтимолини қобилият сифатида талқин қилган.

Тўртинчи йўналишда К.Голдштейн, К.Рожерс, Н.Рожерс, А.Маслоу ва бошқалар ижодий жараёни шахснинг “ўзини ўзи актуаллаштириш” билан боғлашган. Ўзини ўзи актуаллаштирган одамнинг ижодкорлиги маданият таъсирида бузилмаган боланинг креативлигига ўхшайди. Креативлик инсон табиатининг энг асосий характеристикаси бўлиб, у туғилишиданок ҳар бир инсонга бериладиган салоҳиятдир.

Лаборатория тадқиқотлари (хайвонлар, болалар ва талабалар ҳақида) ва рассом К. Моненинг таржимаи ҳолидаги мисоллардан фойдаланиб, К. Стоко, қаттиқ чекловлар генерация қилади ва юқори даражада ижодий шахс учун хос бўлган юқори ўзгарувчанликни сақлаб турадиган нуқтасини кўрсатади, деган фикрни илгари суради. Болаликда ўқитувчилардан тақиқлар ва ўз-ўзини чеклаш креативлик ифодасига таъсир қилади, катталарда эса юқори даражадаги ўзгарувчанлик ва ижодкорликни ўрнатади ва сақлайди. Болаликда иқтидорли бола учун чеклашлар ўзгарувчанликни мустаҳкамловчи, уни одатийга айлантирувчи ўқитувчилар иштирокидаги билим соҳаси билан боғлиқ.

Р. Стенберг ижтимоий контекстда креативликни “соғлом ақл ва интеллектнинг диалектик ўзаро таъсири” деб ҳисоблайди. Интеллект жамоатчилик эҳтиёжларини қондириш учун кенг қўлланилади. Креативлик ўзини жамоатчилик муаммоларига шубҳа билан қарайди ва ўзини унга қарши қўяди, янглиларини таклиф қилиб боради. Соғлом ақл эса “эски ва янгилар ўртасидаги мувозанатни таъминлайди”, “жамият контекстидаги ўзгаришлар ва барқарорлик”ка эришади.

Интеллект Р. Стенберг томонидан “атроф-муҳитга мослашиш қобилияти” деб ҳисобланади. Муваффақиятли мослашиш белгиси эса мукофот олишдир (кенг ижтимоий-иқтисодий маънода). Креативлик “сифат жиҳатидан юқори эмас, балки янги маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти” деб таърифланади.

“Интеллектли одамлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати юқори, лекин албатта, янги бўлиши шарт эмас”. Муаллифнинг тахминича, кўплаб юқори креативли шахслар “оломонга қарши чиқишади”.

Шундан келиб чиқиб, муаллиф “креативлик фақат уни ҳукм қилувчи тизим контекстида аҳамият касб этади”, “бир тизимда креатив бўлган нарса бошқа бўлиши мумкин эмас”, деган хулосага келади.

Маданият ва фан тарихида замондошлари томонидан тан олинмаган даҳоларга оид кўплаб мисоллар мавжуд. Муаллиф интеллектни креативликнинг шартини деб ҳисоблайди, “чунки ижодий маҳсулотлар юқори сифатга эга. Креативлик қарор қабул қилиш билан боғлиқдир, яъни “исталган киши креатив установкани қабул қилиши, креатив фикрлаши мумкин”.

Бироқ, турли сабабларга кўра, “одамлар буни қилмайди”. Баъзилар оломонга ён босиш учун ақлий қобилиятларидан фойдаланади, бошқалари эса оломонга қарши чиқиш учун бу имкониятидан фойдаланишади.

Улар, эҳтимол, етакчилик лавозимларида энг самарали бўлишлари мумкин, улар ўзгариш зарурлигини ва барқарорлик ўртасида мувозанат сақлай олишади. чунки. “Креатив одамлар соғлом фикрлай олмайдилар ва ҳатто бошқа одамлар билан муносабатларда аҳмоқона ишларни қилишлари мумкин”. Р. Стенбрег “ижодкорлик” қуйидаги хусусиятларга эга деган хулосага келди: ҳукмлар ва ҳаракатлар ноанъанавийлиги; ривожланган эстетик кўникмага эга; мослашувчанлик; “ўйин қоидаларига” амбивалентлик (асосий ноаниқлик)ни киритиш; авторитетларга ва тан олинган “ҳақиқатлар”га қарши танқид билан чиқиш.

Ж. П. Гилфорд ўз тадқиқотларида конвергент фикрлаш билан дивергент фикрлаш ўртасидаги сифатий фарққа эътибор қаратди. Унинг ишлари туфайли бу мавзу тадқиқотчилар эътиборига тушди ва амалий таълим муаммоларини ҳал қилиш борасида муҳокама қилинмоқда.

Е.П. Торренс субъектларнинг муайян намунасини синаб кўришда муайян жавоблар юзага келадиган частота бўйича оригиналликни аниқлаш усулини ишлаб чиқди. Жавоб қанчалик сийрак бўлса, унинг ўзига хослиги учун балл шунча юқори бўлади.

Е.И. Шебланова томонидан олиб борилган тадқиқотлар шунини кўрсатдики, юқори даражадаги ўзига хосликка эга кишилар одатда юқори интеллектуал фаоллиги билан ажралиб туради. Улар ечим қидиришда катта ақлий "сакрашлар" қилиш ёки “бурчакларни кесиб ўтишга” қодир.

Е. И. Шебланованинг тадқиқотларида креатив шахсни тавсифловчи бир қатор фазилатлар кўрсатиб ўтилган: қобилиятлилиқ, ақлнинг реактивлиги, ҳазилкашлиқ. Бу фазилатларни бошқалардан кўра объектив баҳолаш бир оз қийин, лекин одатда, экспертларнинг баҳолашларида катта фарқ сезилмайди. Бу ҳам ақлнинг бир қирраси ҳисобланиб, унга кундалиқ кузатувчанлик, фикрлашнинг парадокслиги хос бўлиб, интеллектуал қобилиятнинг чуқурлиги ва қуввати кўзга ташланмайди.

“Ижодкорлик” ва “креативлик” таърифларини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, тадқиқотчилар "ижодкорлик" тушунчасини шахснинг умумий ривожланишини белгилайдиган фикрлаш, мотивация, қобилият каби зарур компонентларни ўз ичига олган фаолиятнинг алоҳида тури сифатида талқин қиладилар.

Тадқиқотчилар “креативлик” атамасини фикрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, умумий қабул қилинган, стереотиплардан фарқ қиладиган ғояларни ишлаб чиқаришга имкон берадиган қобилиятлар билан боғлайдилар.

Баъзи йўналишлар креативликни қобилият деб билади. Бир қатор соҳалар ижодий маҳсулотнинг асосий хусусиятларига кўра креативлик ривожланишини ўрганади: сони, сифати ва жамият учун аҳамияти. Бошқалар ижодий жараённи шахсиятнинг “ўзини намоён қилиши” билан боғлашган.

Биз таянган Д.Б. Богоявленскийнинг тадқиқотида ўсмирлик даврида креативлик ривожланиш даражасининг пасайишини аниқлаган.

Адабиётлар:

1. Sternberg R.J. What is the Common Thread of Creativity?, 2001.
2. Stokes P.D. Variability, Constraints and Creativity, 2001.
3. Taylor C., Ellisson R. Manual for Alpha Biographical Inventory - Salt Lake City: Institute for Behavioral Research in Creativity, 2007.
4. Torrance E.P. Scientific views of creativity and factors affecting its growth. Daedalus: Creativity and Learning, 2003. - P. 663-679.
5. Рустамов Ш.Ш. Математическая статистика в системе психологии. Психология. Илмий журнал. – Бухоро 2020. - 143-146 с.
6. Рустамов Ш.Ш. Анализ психологических данных с помощью программы SPSS. Информационная культура современного детства. Сборник статей Международной научно-практической конференции Россия, г. Челябинск, 31 октября — 1 ноября 2019 года.

АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНЛИГИНИ РИВОЖЛАНИШИДА МАТЕМАТИК УСУЛЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рустамов Шавкат Шухратович,
Бухоро давлат университети
“Психология” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада мактабда фаолият кўрсатаётган амалиётчи психологларнинг касбий компетенлигини оширишда замонавий усуллардан фойдаланиш ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: амалиётчи психолог, математик компетентлик, ижодий-яратувчанлик, креативлик, диагностик ишлар, аниқ ва мантиқий фикрлаш, тафаккур.

Аннотация: В статье рассматривается использование современных методов повышения профессиональной компетентности практикующих психологов, работающих в школе.

Ключевые слова: практикующий психолог, математическая

Ф. Жалолова. PISA халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда қўлланма ва дарсликларнинг ўрни.....	1421
С.А.Сатторов. Узлуксиз таълимда масофавий таълимни қўллаш имкониятлари.....	1424
Г.Жумаева. Ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини оширишда интегратив ёндашув.....	1426
Ҳ.М.Джумаева. Талабаларни ички таҳдидлардан ҳимоялаш технологиясини такомиллаштириш.....	1430
И.А. Имомов. Замонавий ёндашувлар асосида таълим жараёнида юзага келадиган низоларни педагогик ташхис этиш.....	1434
С.А.Кабилова. Когнитив метафора ва унинг келиб чиқиш тарихи.....	1436
О.Ч.Кузиев. Олий таълим муассасалари талабаларида касбий ахборот моделлаштириш кўникмаларини шакллантириш модели.....	1443
Ю.К.Кушназарова. Методологический подход в учебном процессе.....	1448
З.М.Қурбонова. Ўқитувчи касбида мулоқот ва муомала одобининг ўрни.....	1451
Ю.Г.Мамадалиева. Креатив шахсни тадқиқ этишнинг психологик концепциялари хусусида.....	1455
Ф.С. Махаматова. Бўлажак ўқитувчиларни касбий мослаштиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари.....	1461
Т.Т.Назаров. О.Ф.Шокиров. Таълим жараёнида педагогик фаолиятни лойиҳалаш тамойиллари.....	1465
М.Б.Нусратова. Раҳбар кадрлар касбий компетентлигини ўрганишнинг психологик хусусиятлари.....	1468
Ш.Ш.Останов. Талабалар компетенлигини оширишда креативлик хусусиятларининг аҳамияти.....	1472
Ш.Ш.Рустамов. Амалиётчи психологлар касбий компетенлигини ривожланишида математик усуллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	1476
Н.Рустамова. Инновационная технология, как решающий фактор повышения качества образования.....	1480
М.К.Мурадова. Олий таълим тизимида партисипативлик ва унинг моҳияти.....	1484
О.В.Савенко. Дискуссия как интерактивный метод в обучении.....	1488
Б.М.Саидов. Развитие принципа природосообразности в опыте народного воспитания.....	1492
М.Ф.Тўраев. Талабаларнинг мустақил, ижодий ва мулоқот компетенциясини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари.....	1496
М.Тўрахонова. Таълим тизимида психологик маслаҳат ва унинг айрим назарий масалалари хусусида.....	1500
Х.Т.Хидайходжаева. Развитие профессиональной компетентности педагогов.....	1504
Г.Ҳабибова. Талабаларда ижодий фаолиятни такомиллаштиришнинг	